

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Минтақавий маркази директори

К.Убайдуллаев

“_____” 2015 ийл

**“ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ”
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Нукус – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ”
МОДУЛИ БҮЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: доц. З.Шеримбетова

Нукус – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	6
МАЪРУЗА МАТНИ	8
1-назарий машғулот мавзуси: Ўкув жараёнларини модернизация қилишда дидактик таъминотни такомиллаштириш истиқболлари	8
1-амалий машғулот мавзуси: Дидактик таъминот тушунчаси ва турлари, уларнинг норматив, техник асослари.	17
2-амалий машғулот мавзуси: Психология фанидан амалий, семинар, мустақил таълим ва курс ишларининг дидактик таъминоти.	29
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	41

ИШЧИ ДАСТУР

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

• Тингловчиларга психология фанининг дидактик таъминоти курси бўйича илгари сурилган илмий-назарий концепциялар тўғрисида қиёсий, таҳлилий маълумотлар бериш, замонавий педагогологиялардан фойдаланиб тингловчиларни малакасини оширишга кўмаклашиш;

• Психология фанининг дидактик таъминоти фанининг замонавий янгича назарий концепцияларининг мазмун-моҳиятини ёритиш, уни таълимтарбия жараёнида қўллашнинг афзалликлари тўғрисидаги асосларнинг ишлаб чиқилганлигини ёритиш ва тингловчиларда уларни аниқ илмий назарий таҳлил қилиш, холис баҳолаш ва мустақил ҳаётий позициясини вужудга келтиришга эришиш;

• Ўзбекистонда психология фанининг дидактик таъминоти фанининг сўнги ютуқлари билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишларни илмий назарий таҳлил этиш ва унинг асосий йўналишининг ўзига хос хусусиятлари, мақсад-вазифаларини тингловчиларга етказиш;

Фан бўйича билимлар, кўникмалар, малакаларга қўйиладиган давлат талаблари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Фан мазмуни ўқув режадаги биринчи блок ва мутаххасислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

Фаннинг Олий таълимдаги ўрни

Психология фанининг дидактик таъминоти масалалари бўйича муҳим янги назарий концептуал ғоялар илгари сурилган. Олий таълимда психология фанини ўқитиш усуллари, талабаларнин маъруза, амалий, семинар машғулотларини ва талабалар томонидан бажариладиган илмий ишларни қандай ишлаш хусусиятлари негизларига таянган ҳолда амалга ошириш концепциясида ўзининг ифодасини топади.

Маъруза-тренинг машғулотлари мавзулари

№	Мавзунинг номи	Маъ- руза	Семи нар	Кўчма машғу лот	Тажри ба алма- шиш	Мус- та- қил
1.	Ўқув жараёнларини модернизация қилишда дидактик таъминотни такомиллаштириш истиқболлари.	2	4	2	-	2
ЖАМИ: (10 соат)		2	4	2	-	2

МАЪРУЗА МАТНИ

**1-назарий машғулот мавзуси: Ўқув жараёнларини
модернизация қилишда дидактик таъминотни
такомиллаштириш истиқболлари
(2 соат маъруза)**

РЕЖА:

- 1.Дидактик таъминот тушунчаси.
- 2.Дидактик таъминотнинг турлари.
- 3.Психология фанларидан маъруза, амалий, семинар дарсларининг дидактик таъминоти.

**Таянч иборалар: дидактика, модернизация, семинар, амалий машғулот,
дидактик таъминот**

ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ ТУШУНЧАСИ.

Мустақиллик-шахс характерининг хусусиятларидан бири бўлиб, инсоннинг таффакур тизимида, турли кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси инсон олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини танлашдаги мустақиллик тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқдир.

Инсон ҳаётининг ҳар қайси даврида ўзининг мустақиллик даражаси хосдир. Мазкур мустақиллик даражаси инсоннинг ривожланиш шароитларига ва заруратга боғлиқ ҳолда юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш - талаба фаолиятининг таълим муассасасидаги энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб билим орттириш асоси ҳисобланади. Мустақил ўқиб билим орттириш талabalарнинг мустақил тайёргарлик кўриши демакдир.

Ўқитувчининг мустақил таълими касбий-педагогик фаолиятга мувофиқ меҳнат натижасининг самарадорлигини оширишга йўналтирилади ва режалаштирилади.

Бунда ўқитувчи ўз меҳнатининг натижаларини таҳлил этиб ўз касбий педагогик фаолиятини ифодалайди. Ўқитувчи мустақил таълимнинг асосий мақсадлари ўз касбий педагогик маҳоратини ошириш, ўз фаолиятида юқори ютуқларга эришишга сабаб бўлади.

Ҳар қандай фандан таълим бериш жараёни нафақат маълум бир мақсадни амалга ошириш усули, балки ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топишининг шартларидан биридир. Шунинг учун бўлажак ўқитувчилар психологиядан маълум бир билим ва кўниммаларини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирган бўлишлари зарур.

Ўқитувчи ўз билим ва малакаларини ошириш учун аниқ мазмундаги манбани мустақил ўзлаштиришга ўз кучини жалб қилиши керак, шундагина амалий фаолиятида юқори даражаларга эришиши мумкин.

ДИДАКТИК ТАЪМИНОТНИНГ ТУРЛАРИ.

Ўқитувчи ўқув йилига (ярим йилликка) тайёрланаётганида фани бўйича ўқув режа ва дастурларини ўрганади, бошқа фанлар (умумий таълим, материалшунослик, чизмачилик, электротехника ва бошқалар) дастурлари билан танишиб чиқади.

Ўқитувчилар ўқув дастурларини ўрганаётганида уларга киритилган мавзуларнинг рўйхати ва мазмuni билан яхшилаб танишадилар. Бу уларга ҳар бир мавзуни ўрганиш мақсадини аниқ тасаввур этиш, олдин ўтилган ўқув материални навбатдаги материал билан боғлашни белгилаб олиш, машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув ишлари, жиҳозлар, мосламалар, асбоб-ускуналар ва материалларни аниқлаб олиш ҳамда уларни тайёрлаш имконини беради.

Олий ўқув юртларининг тажрибали ўқитувчилари бутун бир йилга мўлжаллаб умумий таълим режасини тузадилар. Бу режада қуйидагилар

назарда тутилади: янги-техникага доир адабиётларни, қўлланмаларни; ихтисосга оид илғор тажрибани ёритувчи ахборот ва рақаларини ўрганиш; янги дарсликлар, методик қўлланмалар билан талабаларга таълим ва тарбия бериш масалалари ёритилган методик хатлар ва бошка материаллар билан танишиш; ишлаб чиқариш новаторларининг ишлаш методлари билан амалда танишиш; зарур ўқув-моддий база тайёрлаш; жуда мураккаб буюмларнинг намуна эталонларини ҳозирлаш; корхоналар буюртмалари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузган намуна рўйхатлари асосида ўқув ишлари рўйхатини ишлаб чиқишида қатнашиш; операцияларга ҳамда ишларни бажаришдаги ўзгаришларга доир инструкцион-технологик хужжатлари ишлаб чиқишида (операциялар ва ўзгаришлар изчиллигини, шунингдек ҳар бир ўзгаришнинг техникавий шароитларини кўрсатган ҳолда) бевосита иштирок этиш; рўйхатда тайёрлаш учун кўзда тутилган ишларни қасбий таълим бўйича директор ўринбосари ва мухандис педагог раҳбарлари ҳамда катта ўқитувчи билан ҳамкорликда нормалаш (шогирдлик нормалари).

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН МАЪРУЗА, АМАЛИЙ, СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Олий таълимда қулланиладиган энг асосланган ўқитиш методлари таснифларига куйидагилар киради:

1. Анъанавий методлар. Бу методларнинг ибтидосини ilk фалсафий ва педагогик тизимлар ташкил этади. Ҳозирги даврда улардан бештаси инобатга олинади: *оғзаки, амалий, кўргазмали, китоб билан ишилаш, видео методлар*.

2. Мақсадига кўра методлар таснифи: (М.А. Данилов, Б.П. Есипов)

- *билимларни эгаллаш;*
- *малака ва қўниқмаларни шакллантириш;*
- *билимларни қўллаш;*
- *ижодий фаолият;*

- мустаҳкамлаш методлари;

- билим, малака ва кўникмаларни текшириши методлари.

3. Идрок этиш-билиш фаолияти характеристига кўра методлар таснифи:

- *тушуунтириши – иллюстратив (ахборот – рецептив)*. Уларнинг

характерли хусусиятлари; билимлар “тайёр ҳолда” тавсия этилади; бу билимларни идрок қилиш ташкил этилади; билимлар идрок (рецепция) қилинади ва тушуниб олинади, хотирага жойлаштирилади;

- *репродуктив метод*: билимлар тайёр ҳолда тавсия этилади, билим

нафақат баён қилинади, балки тушунтирилади; билимлар онгли ўзлаштирилади, уларнинг тушунилиши ва эслаб қолинишига эришилади, билимларнинг мустаҳкамлиги тез-тез такрорлаш йўли билан таъминланади.

- *муаммоли баён қилиши методи*; муаммоли саволлар занжири

ёрдамида муаммоли вазиятларни яратиш орқали ўқув мақсадларига эришилади.

- *қисман ижодий (эвристик) метод*. Билим тайёр ҳолда тавсия

етилмайди, балки у мустақил равища эгалланади; янги билимларни қидириш, излаш ташкил этилади; билиш вазифалари бўйича мустақил фикр юритилади, муаммоли вазиятлар яратилади ва ҳал қилинади;

- *тадқиқий метод*. Бунда муаммо белгилаб олинади, муаммонинг

тадқиқоти жараёнида билим эгалланади.

4. Дидактик мақсади буйича (Т.И. Щукина, И.Т. Огородников ва б.)
куйидагилар фарқланади:

- *илк бор билимларни ўзлаштириши методлари*;

- *эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириши*

методлари.

*Олий таълимдаги ўқитиши жараёни самарадорлигини оширишида
педагогик технологияларнинг ўрни мухим саналади.*

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан

мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича бўлмай қолмоқда.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блум, Ж. Королл, П.Я.Гальперин, В.И.Давыдов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишини ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалько, Н.Ф.Талызина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобская, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидакт олимларга тааллуқлидир.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиши жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йигиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуслар, ўқитиши йўллари, тарбиявий воситаларнинг маҳсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалько).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йигиндиси» (В.М. Шепель).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир» (В.М.Монахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йифиндиси ва тартибини билдиради» (М.В.Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма хисобланади» (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш деган хulosага келиш мумкин.

Ўз даврларида Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ян Амос Коменский, Лев Толстой, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний ва бошқалар ўз асарларида ўқитувчилик касби, унинг машаққатлари, шунингдек, ўқитувчи шахсида акс этиши зарур бўлган сифатлар хусусидаги қарашларни ёритиш орқали ўзлари ҳам педагогик маданиятга эга эканликларини намоён этганлар. Бинобарин, педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур хурматда бўлмаган шахс таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Уларнинг педагогик маданиятлари негизини болани тушуна олиш, унга инсбатан инсонпарвар муносабатда бўлиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, педагогик фаолиятнинг ҳақлиги, жамият тараққиёти ҳамда педагогик жараёнда талабалар онгига сингдирилаётган эзгу ғояларнинг ҳаёт мавжудлигини таъминлашда қудратли омил (восита) эканлигига ишонч кабилар ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон республикасида таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳалар мазмунини ўзида акс эттирган муҳим юридик хужжат бўлиб, истиқбол учун йўлланмадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланган миллий модел Ўзбекистон Республикасининг миллий-худудий хусусиятларини инобатга олиш ҳамда илғор фан, техника ва технология ютуқлари асосида тайёрланган кадр (мутахассис) – комил инсон ва етук мутахассис киёфасини ўзида тўлақонли акс эттирувчи намунадир.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларининг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаёти учун муҳим саналган бир қатор ҳолатларнинг қарор топишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ғояларини амалга ошириш жараёнида ўқитувчи кадрлар муҳим рол ўйнайдилар. Комил инсон ва етук малакали мутахассис маҳсус ташкил этилган педагогик фаолият жараёнида тарбияланар экан, ушбу жараёнда ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлиги алоҳида ахамият касб этади.

Назорат саволлари

1. Таълимни такомиллаштириш хақидаги назариялар.
2. Педагогик тизим ва унинг технологияси.
3. Хамкорлик фаолияти аъзоларининг касбий тайёргарлиги даражаси.
4. Таълим ва тарбия жараёнининг амалга ошириш воситалари.
5. Талим ва тарбия жараёнини индивидуаллаштириш ёки дифференциаллаштириш.
6. Таълим (тарбия) дастурининг инвариантларини, модификациялари.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – 64 б.

2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 24 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 48 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1998. 63 б.
5. «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог қадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли қарори.
6. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
7. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўкув қўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.
8. Азизхўжаева Н.Н. Таълим жараёни самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. Олий ўкув юрти ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тингловчилари учун методик қўлланма. Тошкент 2007.
9. Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М.: 2000. с.
10. Батурина Г.И., Кузина Т.Ф. Введение в педагогическую профессию. Москва “АСАДЕМА” 1999 г.
11. Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. –М.: Профессиональное образование, 1997, 511 с.
12. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Фан, 2007. 143 б.
13. Бесpal’ko B.P. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – M.: ИРPO, 1995. – 336 с.
14. Беспал’ко В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – M.: Педагогика. 1998. – 160 с.
15. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. Москва “ВЛАДОС пресс” 2003.

16. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.
17. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004. - 102 б.
18. Шарипов Ш.С. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. –Тошкент: «ФАН», 2005. 130 б.
19. Шоумаров F.Б. Оила психологияси. – Т., 1999.
20. Фозиев Э. Психология. – Т.: Ўқитувчи, 1994. - 224 б.
21. <http://www.disser.h10.ru/pedagog.html>
22. <http://www.ziyonet.uz/>
23. <http://www.istedod.uz/>
24. <http://www.pedagog.uz/>

1-амалий машғулот мавзуси: Дидактик таъминот тушунчаси ва турлари, уларнинг норматив, техник асослари.

РЕЖА:

- 1.1.Дидактик таъминот тушунчаси.
- 1.2. Дидактик таъминотнинг турлари.
- 1.3. Психология фанларидан маъруза дарсларининг дидактик таъминоти.

Калит сўзлар: *дидактика, дидактик таъминот, норматив, таъминот турлари*

ДИДАКТИК ТАЪМИНОТ ТУШУНЧАСИ.

Мустақил таълимни самарали ташкил этиш учун машғулотга тайёргарликни аниқ шароитларда энг юқори якуний натижага эришишни таъминловчи ўқув-тарбиявий фаолият сифатида муҳим тадбирларни ишлаб чиқиш лозим.

Мустақиллик-шахс характерининг хусусиятларидан бири бўлиб, инсоннинг таффакур тизимида, турли кўринишдаги фаолият ва ҳаракатларида акс этади. Мустақиллик тушунчаси инсон олдида турган вазифаларни ҳал этиш йўллари ва воситаларини танлашдаги мустақиллик тўғрисидаги тасаввур билан боғлиқдир.

Инсон ҳаётининг ҳар қайси даврида ўзининг мустақиллик даражаси хосдир. Мазкур мустақиллик даражаси инсоннинг ривожланиш шароитларига ва заруратга боғлиқ ҳолда юқори ёки паст бўлиши мумкин.

Билимларни мустақил равишда эгаллашга интилиш - талаба фаолиятининг таълим муассасасидаги энг ажралиб турадиган хусусияти, мустақил ўқиб билим ортириш асоси ҳисобланади. Мустақил ўқиб билим ортириш талabalарнинг мустақил тайёргарлик кўриши демакдир.

Ўқитувчининг мустақил таълими касбий-педагогик фаолиятга мувофиқ меҳнат натижасининг самарадорлигини оширишга йўналтирилади ва режалаштирилади.

Бунда ўқитувчи ўз меҳнатининг натижаларини таҳлил этиб ўз касбий педагогик фаолиятини ифодалайди. Ўқитувчи мустақил таълимнинг асосий мақсадлари ўз касбий педагогик маҳоратини ошириш, ўз фаолиятида юқори ютуқларга эришишга сабаб бўлади.

Ҳар қандай фандан таълим бериш жараёни нафақат маълум бир мақсадни амалга ошириш усули, балки ўқувчи шахсини ҳар томонлама камол топишининг шартларидан биридир. Шунинг учун бўлажак ўқитувчилар психологиядан маълум бир билим ва кўнкимларини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирган бўлишлари зарур.

Ўқитувчи ўз билим ва малакаларини ошириш учун аниқ мазмундаги манбани мустақил ўзлаштиришга ўз кучини жалб қилиши керак, шундагина амалий фаолиятида юқори даражаларга эришиши мумкин.

Ўқитувчининг ўз билимларини ошириш фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтириш керак.

Бу мақсадларга эришиш учун қўйидаги шартларга риоя қилиши керак.

1. Ўз билимларини ошириш мазмуни қўйидагиларга мос келиши керак;

• Ўқитувчининг мутахассислик-педагогик фаолияти ўтаётган жойдаги аниқ шароитларга;

• Замонавий амалиётнинг шароитлари, талабларига;

2. Ўқитувчи маълум бир мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тартибда ўзида қўйидаги сифатларни шакллантириб бориши керак;

• Талабаларнинг интилишлари, қизиқишларини чуқур ҳис қилиш, тушуниш, уларнинг қизиқишлари талабларига мос ҳолда ёндашиш;

• Талабалар билан эммоционал алоқа ўрнатиш, уларнинг ақлий ва ахлоқий томонларига фаол таъсир этиш;

3. Ўқитувчи умумий педагогика, психология, меҳнат гигиенаси ва физиологияси, маҳсус фанлари буйича саволлар рўйхатини мустақил ўрганиб чиқишилари шарт.

4. Ўқитувчи ўзининг педагогик маҳоратини ошириш учун ўз устида ишлаш тизимининг энг самарали усуллари, йўлларини танлаб олиши керак.

5. Ўқитувчи аниқ шароитларни ҳисобга олган ҳолда ва уларга мос тарзда индивидуал ёки жамоа билан ўз билимларни ошириш шаклларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ:

6. Ўқитувчининг ўз билимларини ошириш ишлари доимий ижодий изланишлар мақсадига йўналтирилиши зарур.

Бунинг учун:

• ижодий изланишлар жараёнини бошқаришга мойил бўлиш;

• ижодий изланишларнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик психологик ва назарий тайёргарлигига боғлиқ бўлишини эсда тутиш лозим.

Мустақил таълим талабаларда: шахсий, касбий, индивидуал хусусиятларни намоён қилиш; билим, кўникма, малакаларни шакллантириш; тартибга солиш ва назорат қилиш учун онгли равишда фойдалана билиш; ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга асос бўлади.

Олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил иш бажара олишига қизиқишини ошириш ва кўникмаларини ривожлантириш қўйидаги босқичларда амалга оширилса мақсадга мувофиқдир:

Биринчи босқич: талабаларнинг бўлажак фаолиятларининг тахлили. Уларнинг таълим муассасасини тугатганларидан кейин илмий изланишлар олиб боришлари ёки касбий фаолиятларининг тахлили;

Иккинчи босқич: шу тахлилдан келиб чиқиб, мустақил иш бажариш технологиясини ишлаб чиқиб, унга таълимнинг ҳар бир босқичида, машғулот давомида ўқув фанларининг мазмунини белгилаш. Таълимнинг диагностик асосда мақсадини жамият манфаатлари нуқтаи назаридан белгилаш;

Учинчи босқич: белгилаб олинган таълим мазмуни асосида талабаларнинг машғулот давомида ва машғулотдан ташқари вақтларида ўқув юкламаси, керакли вақт режасини аниқлаш лозим.

Тўртинчи босқич: дидактик жараённи амалга ошириш учун мустақил таълимнинг ташкилий, оптималь шаклларини танлаш ва шунга мувофиқ ўқитиш воситаларини аниқлаш зарур.

Бешинчи босқич: дидактик мақсадни амалга ошириш учун талабаларнинг қизиқишиларини янада ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда мавзулар, аниқ машғулотлар бўйича услубий ишланмалар, компьютерда дастурли анимациялар ишлаб чиқиш керак.

Олтинчи босқич: таълим мақсади асосида мусатқил иш бажаришда самарадорликни ошириш тизимини ишлаб чиқиш ва уни таълим жараёнига жорий қилиш.

Еттинчи босқич: талабаларнинг белгиланган ўқув материалларини ўзлаштиришларини, мустақил иш бажариш қўнималарини шакллантиришларини, компьютер саводхонникларини, билим савияларини назорат қилиш ва ўзгартиришлар киритиш.

Саккизинчи босқич: мустақил таълим мазмунини ва таркибини ишлаб чиқиш, шу асосда машғулот ва уй вазифаларини, мустақил ишларни оптimal режалаштириш.

Тўққизинчи босқич: юқоридагилардан келиб чиқиб лойихалаштирилган мустақил таълим жараёнини синовдан ўтказиш.

Бу босқичлар мустақил таълим олиш технологиясини ишлаб чиқишнинг кетма кетлиги (алгоритми)дир.

ДИДАКТИК ТАЪМИНОТНИНГ ТУРЛАРИ.

Олий таълим муассасаларида мустақил таълимнинг маъруза-амалий тизими, унинг белгилари ва хусусиятлари. Олий таълим муассасаларида таълимнинг маъруза-амалий тизимидан фойдаланилади. Машғулотлар иккита бирлаштирилган машғулотлар кўринишида 80 минут давом этади. Уларнинг ўзига хосликлари қуйидагилардан иборат:

- маъруза талабаларнинг мустақил ишлари учун тахминий асос сифатида катта ҳажмдаги тизимлаштирилган ахборотларни беришнинг асосий шакли (80 минут ташкил этилади);
- амалий лаборатория машғулотлари олий ўқув юрти ўқитувчи рахбарлиги остида олган ўқув ахборотлари (маъруза ва мустақил ишлари)ни чуқурлаштириш, таҳлил қилиш, кенгайтириш, қўллаш ва ўзлаштиришни назорат қилиш шакли;
- семинар машғулоти талабаларни юқори ақлий фаолиятини, янги билим ва қўникма олишга интилишини келиб чиқаради. Бундай педагог ностандарт усувларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.
- курсларда ўқув машғулотлари жадвалга биноан ягона ўқув режаси ва дастурлари бўйича амалга оширилади;
 - ўқув йили икки семестр, аттестация даври ва таътилларга бўлинади;
 - ҳар бир семестр барча ўқув фанлари бўйича якуний аттестация (имтиҳон топшириш) билан якунланади;
 - олий таълим муассасасида ўқиш муҳим фанлар бўйича аттестация (битирув имтиҳонларини топшириш) ва мутахассислиги бўйича битирув малакавий ишни химоя қилиш билан якунланади.

Олий таълим муассасаларида таълим маъруза, семинар, лаборатория иши, талабаларнинг илмий тадқиқотчилик ишлари (ЎИТИ), талабаларнинг мустақил ўқув ишлари, ишлаб чиқариш амалиёти, чет элда иш тажрибасини ошириш каби шаклларда ташкил этилади. Таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш шакли сифатида кундалик, оралиқ ва якуний назорат, баҳолаш рейтинги тизимидан, рефератив ва курс, битирув ишларидан фойдаланилади.

Таълим жараёнида ўз навбатида ўз ижодий кайфиятини бошқара олиш ўқитувчи учун нихоятда муҳим фаолиятдир. Ижодий кайфият ўқитувчи ақл ижросининг намойиши билан уйғунлашиб кетади. Ижодий кайфият ўқитувчи ижодий индивидуаллигини ўзига хослиги, талабалар жамоасининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Ўқитувчи ўз ижодий кайфиятини вужудга келтириш учун психологик йўналишларнинг хилма-хил усувларини билиши керак. Бу машғулотни фикран хаёлдан ўтказиши ва лойихалаш, ҳар бир талаба қалбига йўл топа олиш маҳорати, мutoала маданияти. Ўқитувчи ижодий кайфиятини аввало таълим жараёнидан излаш лозим:

Янги ўрганилаётган ўқув мавзусидан ўз ижодий кайфияти учун воситалар қидириш;

Гурух талабалари билан бўлаётган хар бир мулоқотдан ижодий кайфият учун мотивлар топа олиш; Ҳис туйғу ва кечинмаларини яхшиликка, ижодий кайфиятга йўналтира олиш.

Муомалада ижодий кайфиятни вужудга келтириш ва сақлашнинг муҳим вазифаси педагогнинг материалга ўз ҳиссий муносабатини ифодалашда топган машқ шаклларини мустахкамлашдир, у педагог томонидан қўйидаги йўллар орқали амалга оширилади: машғулотнинг боришини, тадбирни фикран эсга тушириш; кўзгу олдида такрорлаш; намуна сифатида санъат (адабиёт, кино, рангтасвир) асарлардаги вазиятлардан фойдаланиш;

Ижодий кайфиятни бошқариш - педагог меҳнатининг энг муҳим қасбкорлик талаби бўлиб, у педагогнинг гурухда, болалар билан муомалада ва шу кабиларда эркин бўлишини, хулқ-авторининг самарали бўлишини таъминлайди. Педагогик ижодкорликнинг асосий босқичларига нисбатан педагогнинг ижодий кайфиятига муомала таъсирининг қўйидаги жихатларини ажратиб курсатиш мумкин:

- 1) педагогнинг гурух билан бўладиган муомалани олдиндан пайқаши унинг ижодий кайфиятини сафарбар қилувчи омил эканлиги;
- 2) гурух билан бевосита дастлабки алоқа бевосита муомала пайтида педагог ижодий кайфиятининг рағбатлантирувчи омили сифатида;
- 3) педагогнинг гурух билан муомаласи тизими; у фаолият жараёнида педагогнинг ижодий кайфиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради;
- 4) муомаладан қаноат хосил қилиш шундан кейинги фаолиятда педагогнинг ижодий кайфиятини рапортлантирувчи омил сифатида.

Ўқитувчининг мустақил таълимни ва ижодий ишларни амалга оширишда ижодкорлик асосида қўйидаги воситалар ва талабларни унутмаслиги **керак**:

- Ўқитувчининг шакллари маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, мустақил таълим ва ишларни уйғун равишда ташкил этишда педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланишни лойиҳалаш ва амалиётга татбиқ этиш малакаси.
- **Машғулотларда талабаларнинг ўқув меҳнати, амалий, мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш йўлларини белгилаш.**
- Иқтидорли талабалар билан ижодий изланишли тадқиқот ишларини ташкил этиш.
- Иқтидорли талабалар билан қисман изланишли тадқиқот ишларини ташкил этиш.

- Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил эта олиш маҳорати.

- Талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий ишларини ташкил этиш, мазкур жараён самарадорлигини ошириш йўлларини белгилаш малакаси.

- Талабаларда мустақил равишда билимларни янада орттириб боришига бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини индивидуаллаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этишга раҳбарлик қилиш малакаси.

- Мустақил ишларнинг илмийлиги, унинг тадқиқий характерини таъминлай олиш малакаси.

Мустақил таълим жараёнини ташкил этишда қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- Умумий меҳнатга, маданиятга оид билимларни ўзлаштириш. Ўқитувчининг ижодий кўникма ва тажрибаларини шакллантириш. Бошқа фанлар билан боғлиқликлар технологик жараёнларини эгаллаш.

- Умумий меҳнат маданиятга оид тарбия, табиатни асрар, шунингдек, ижтимоий фойдали касблар билан танишиш.

- Ижодий тафаккурни, касбий иқтидорни, жисмоний ривожланиш ва вақтни қадрлаш хислатларини шакллантириш ва ҳ.к.

Кейинги вақтларда талабаларнинг билимларини ўзлаштиришда ижодий ёндашув талаб қилинмоқда. Фан ўқитувчилари ўз машғулотларини талабаларининг илмий дунёқарашини шакллантиришга мақсадли йўналтириш масаласини ўз олдиларига қўйганлар.

Бунда қўйидаги йўл ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

- Талабаларни моддий ишлаб чиқаришнинг моҳияти билан таништириш. Ривожлантиришнинг босқичларини қўрсатиш;

- Талабаларни ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш соҳасига фаол жалб этиш;

- Ихтиrolар, турли машиналарни такомиллаштириш, механизмлар, турли агрегатлар, моддий ишлаб чиқариш соҳалари тарихи ҳақида сўзлаб бериш;

- Айрим корхоналар, ташкилотларнинг ташкил этилиши, уларнинг фаолиятини ўрганиш;

- Таниқли олимлар, ихтирочиларнинг ҳаёти фаолияти ва ижтимоий – сиёсий қарашлари ҳақида билим бериш.

- Меҳнат фахрийлари ва илғор ишлаб чиқариш усталари билан учрашувлар ташкил қилиш.

Мустақил таълим самарадорлигини ошириш кўпчилик ҳолларда талабанинг ўқитиш воситалари билан таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Хозирги даврда ижодий йўналганликни шакллантиришнинг муҳимлигини, инсонларнинг тафаккурини, мафкурасини, эътиқодини, эҳтиёжининг ўсиб боришига доимий равища касбий даражасининг ривожланишига сабаб бўлади.

Мустақил ўқиб билим орттиришда ва талабаларнинг билимларини эгаллашдаги мустақиллигини ривожлантиришда китоб катта рол ўйнайди. Китоб бўйича ўқувчи машғулотда ўқитувчи томонидан берилган ўқув материалини такрорлайди ва мустахкамлайди. Талабалар китобдан ўқитувчи топшириғи бўйича ўқув материалининг маълум қисмини мустаҳкам ўрганадилар.

Мустақил таълимни ташкил қилишда қуидаги воситалардан фойдаланиш мумкин. Воситалар рўйхатини белгилашда хар бир мавзу мазмуни мақсадини батафсил ўрганиб тахлил қилиб кейин белгилаш лозим. Ўқув режада берилган фанларни ўзлаштириш учун маълум шарт – шароитлар, қўлланмалар, усувлар, воситалар тизимлари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинмоқда.

Ўқитувчиларни тайёрлашда мустақил таълимнинг қуидаги воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН МАЪРУЗА ДАРСЛАРИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилилкда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирувчи функциясида талабаларнинг дикқати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маърузанинг ахборот бериш функцияси асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Маърузанинг методологик функциясини қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиширишга, илмий изланишининг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Маърузанинг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйготиш, қизиқишиларини ўстириш, мантиқий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Олий таълим ўқитиши тизимиға маъруза билан биргаликда **амалий** (машқ, семинар ва лаборатория) **машғулот** тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

“Амалий машғулот” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир. Улар вазифаларига қўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш ва синашга ҳам хизмат қиласди.

Амалий машғулот шаклларидан бири **семинардир**. Семинар машғулотлари қўйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиши жараёнида эгаллаган билимларнинг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинар олди машғулоти, семинар ва маҳсус семинар.

Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қиласди, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинар олди машғулотларига нисбатан ўта мұхим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланған муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб күяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда мұхим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишига бағишлиланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўлланилади.

Лаборатория машғулотлари. Лаборатория машғулотларининг асосий тавсифи шундаки, унда талабалар мустақил равишда вазифа бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар.

Илмий-техник тараққиёт шароитида лаборатория ишлари талабага назарий билимларни қўллаш механизмини чуқур ва қўргазмали ўрганиш имконини беради. Лаборатория машғулотлари талабада тадқиқот ўтказиш кўникумаларини шакллантиради, фан ва техникага ижодий ёндашишни таъминлайди, экспериментнинг умумий методикасини эгаллашга имкон беради.

Лаборатория машғулотларини ўтказишда қўйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- лаборатория машғулотларини режалаштира олиш ва ўтказа олиш;
- лаборатория машғулотларининг мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- фан ва ишлаб чиқариш бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- талабани назарий жиҳатдан тайёрлаш;
- лаборатория машғулотлари нафақат конкрет мавзу бўйича билимларни якунлаш, балки талабаларни тарбиялаш манбаи ҳамdir.

Машғулотларни таҳлил қилиш усуллари.

Олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим-тарбиявий жараённинг самарадорлиги бевосита машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш орқали аниқланади. Бу шароитда назария амалиёт ва ишлаб чиқариш билан узвий боғланиб, мутахассислик, мтаълим, умумкасбий ва предметларнинг ўзаро алоқадорлиги таъминланади ҳамда ақлий ва жисмоний меҳнат орасидаги фарқ имкон қадар йўқотилади. Бундай машғулот бошқача ташкил этилганлиги боис, бўлажак касб-хунар соҳибларининг камол топишига қандай ҳисса қўшганлигини баҳолаш керак бўлади. Уйида таклиф этилаётган машғулотни кузатиш ва таҳлил қилиш режамиз айнан мана шу мақсадларни кўзда тутади. Унда қўйидагилар кўзда тутилган: машғулотнинг янги

тузилмаси ва таълим усулларини; умумтаълим, умумкасбий, махсус ўқув предметларининг ўзаро боғлиқлигини; касбий таълимнинг ўзига хос принциплари; касбий йўналганлик, предметлараро алоқадорлик, политехнизм, узвийлик каби принципларни амалга оширилишини; таълимнинг мақбуллаштириш ғоясига амал қилинганилиги кабилар. Ушбу кузатиш режаси замонавий машғулотларга қўйилган умумий талабларни ҳам ишлаб чиқишида муҳим роль ўйнаши мумкин.

Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар бундай режаларни турлича: «машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш схемалари», «саволнома», «дастурлар» сифатида ўрганадилар. Уларнинг барчасини мақсади таҳлил этилаётган машғулотларнинг турли жиҳатлари, компонентлари, бориши йўналишларига қўйилган талабларни беришдан иборат:

- ўқитувчи ва талабаларнинг фаолияти;
- машғулотнинг босқичма-босқич тузилиши;
- машғулотнинг мазмуни;
- аниқ мақсадларни амалга оширилиши;
- ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш даражаси;
- таҳсил олувчиларнинг мустақил ишларини йўлга қўйилганлиги;
- таҳсил олувчиларни фаоллаштириш омилларидан фойдаланилганлиги

кабилар.

Педагогик амалиётда кўпроқ машғулотни умумий (мажмуавий) таҳлил қилиш режасидан кўпроқ фойдаланилади. Машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш режасидан қайси бирини танлаш машғулотга қандай мақсадни кўзлаб қатнашишга; кузатувчининг касбий тайёргарлик даражасига; қатнашувчи эгаллаб турган лавозимига ва кузатишни ташкил этиш шакли кабиларга боғлик.

Машғулотларга иштирок этиш мақсадлари қўйидагича бўлиши мумкин:

1. илгор педагогик тажрибаларни аниқлаш ва умумлаштириш;
2. ўқитиш сифати ва самарадорлигини назорат қилиш;
3. илгор педагогик тажрибаларни оммалаштириш кабилар.

Шу ўринда машғулотга жамоавий тарзида ёки индивидуал қатнашиш шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиш лозим. Машғулотга қатнашишдан олдин ўқитувчининг тақвими бўйича мавзулар режаси, машғулот режаси ва ишчи режаси билан танишиши мақсадга мувофиқ. Машғулотнинг бориши ҳақида маълумотларни ёзиб бориши уни объектив баҳолаш учун асос бўлади. Таҳлил қилинган машғулотдан сўнг ўқитувчининг ютуқ ва камчиликлари муҳокама этилади. Машғулотнинг натижасини муҳокама этишда, аввало, сўз машғулот ўтган ўқитувчига берилади. У

машғулот ўтишдан күзлаган мақсадига етишганлиги ҳақида қисқача маълумот беради. Шундан сўнг машғулотга қатнашганлар ўз фикрларини иложи борича далиллар келтириб, билдирадилар. Ўтилган машғулотнинг афзаллик ва камчиликларини кўрсатадилар, камчиликларни бартараф этиш йўлларини тавсия сифатида билдирадилар. Бу пайтда маълум мунозара ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай машғулотни таҳлил этишда, аввало, ўқув материалининг ўзига хослигини, таҳсил олувчилар ва ўқитувчининг хусусиятларини ҳисобга олишни унутмаслик зарур. Мухокама охирида машғулотнинг мазмундорлиги, кўзланган мақсадга эришилганлиги, мавжуд ютуқ ва камчиликларини ўзида ифодаловчи қисқача холоса қилинади. Ундан сўнг таҳлил этувчилар томонидан кузатиш ва таҳлил этиш режаси ҳақидаги хужжатлар расмийлаштирилади.

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.** Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. - Т. 2000 й.
- 2.** Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003, ТДПУ, - 174 б.
- 3.** Азизхўжаева Н.Н. Таълим жараёни самарадорлигини оширишда педагогик технологиялар. Олий ўқув юрти ўқитувчилари ва малака ошириш курслари тингловчилари учун методик қўлланма. Тошкент 2007.
- 4.** Барышникова З.А. Организация самостоятельной познавательной деятельности студентов – заочников. – М.: 2000. с.
- 5.** Батурина Г.И., Кузина Т.Ф. Введение в педагогическую профессию. Москва “АСАДЕМА” 1999 г.
- 6.** Батышев С.Я. Профессиональная педагогика. –М.: Профессиональное образование, 1997, 511 с.
- 7.** Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Фан, 2007. 143 б.
- 8.** Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995. – 336 с.
- 9.** Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика. 1998. – 160 с.
- 10.** Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. Москва “ВЛАДОС пресс” 2003.
- 11.** Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.
- 12.** Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Т.: Ўқитувчи, 2004. - 102 б.

- 13.** Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. - Т.: 1999.
- 14.** Климов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.
- 15.** Климов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.
- 16.** Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. - 103

2-амалий машғулот мавзуси: Психология фанидан амалий, семинар, мустақил таълим ва курс ишларининг дидактик таъминоти.

РЕЖА:

- 1.Психология фанларидан амалий машғулотларнинг дидактик таъминоти.
- 2.Психология фанларидан семинар дарсларини дидактик таъминоти.
- 3.Психология фанлари бўйича мустақил таълимнинг ва курс ишларининг дидактик таъминоти.

Калит сўзлар: амалий машғулот, семинар, курс иши, метод, методика, мустақил таълим.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Олий таълимда ташкил этиладиган машғулотларга қўйиладиган дидактик талабларни билиш, машғулотларни кузатиш ва таҳлил қила олиш кирадилар.

Олий таълимдаги ўқитиши жараёни ўқитишининг шакл ва методларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизими рамкасида амалга оширилади.

Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари йифиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик комплексни ташкил этади.

Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;
- талabalарнинг ўқув ва билиш фаолияти.

Олий таълимдаги ўқув жараёни шаклларига маъруза, семинар ва амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экспурсия, экспедиция, ўқув ишлаб чиқариш педагогик амалиёти, курс ва диплом ишлари, талabalарнинг мустақил таҳсили киради.

Маъруза – у ёки бу илмий масалани тўғри, мантиқий изчилиқда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талabalар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда ўқитишининг йўналтирув,

ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маъruzанинг йўналтирувчи функциясида талабаларнинг дикқати ўқув материалининг асосий қоидалари, уни ўрганишдаги ҳамда бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.

Маъruzанинг ахборот бериш функцияси асосий илмий фактлар, қоидалар, хуносаларнинг моҳиятини очишда ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Маъruzанинг методологик функциясини қўллаш тадқиқот методларини қиёслаш, чоғиширишга, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради.

Маъruzанинг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида ўқув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиш, қизиқишлигини ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Олий таълим ўқитиши тизимига маъруза билан биргаликда **амалий** (машқ, семинар ва лаборатория) **машғулот** тури ҳам кирадики, улар: таълимий, тарбиявий ва назарияни амалиёт билан боғлаш функцияларини бажаради.

“Амалий машғулот” термини педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий меъёрларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характердадир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чукурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш ва синашга ҳам хизмат қиласди.

Амалий машғулот шаклларидан бири **семинардир**. Семинар машғулотлари қўйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:

- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чукурлаштириш;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот, билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиши жараёнида эгаллаган билимларининг амалиётда тан олиниши.

Педагогика назарияси ва амалиётида семинар машғулотларининг уч тури фарқланади: семинар олди машғулоти, семинар ва маҳсус семинар.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИДАН СЕМИНАР ДАРСЛАРИНИ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қиласи, чунки талабалар муайян ихтисослик бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинар олди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишлиланган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўлланилади.

Машғулотларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида машғулотнинг ҳар бир босқичи учун репродуктив ўқув топшириқлари, уларнинг дидактик мақсадларини аниқлаш ва шакллантириш

Машғулотларда таълимнинг қуйидаги учта асосий мақсадга эриштирувчи воситаларини таъминлаш лозим: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадлар.

Таълимий талабларга ҳар бир машғулотнинг таълим вазифаларини аниқ белгилаш, машғулотни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш энг янги технологияларини киритиш, турли хилдаги таълим шакли, методлари ва кўринишларидан фойдаланиш, машғулот тузилишини шакллантиришга ижодий ёндашиш машғулотни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш кабилар киради.

Машғулотга нисбатан қўйиладиган **тарбиявий талаблар** ўқув материалининг тарбиявий имкониятларини аниқлаш, талабаларни умумисоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, тиришқоқлик, тартиблилик,

масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, қобилиятлилик, эътиборлилик, ҳалолликни шакллантириш.

Барча машғулотларда доим амалга оширилиб бориладиган **ривожлантирувчи талабларга** талабаларда ўқув-ўрганиш фаолияти ижобий сифатлари, қизиқищ, ижодий ташаббускорлик ва фаоллик шакллантириш ҳамда ривожлантириш, талабаларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш кабилар киради.

Ўқув фанлари ўртасида фанларапо, мавзуларапо боғланишни амалга ошириш

Турли йўналишларга тааллуқли билимлар асосларини интеграциялаш уларнинг фан, таълим, техника, технология, ишлаб чиқариш ҳамда иқтисодиёт соҳаларида рўй берәётган ўзгаришларнинг ижтимоий жиҳатдан асосланишига замин яратади.

Педагогик билим – субъект томонидан амалга оширилувчи барча турдаги фаолиятни йўлга қўйиш имконини берувчи тизим ҳисобланади. У ташкилий, хўжалик, ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга фаолиятнинг таркибий қисми бўлиб, жамият моддий ва маънавий ҳаётининг барча соҳаларида педагогик хусусиятлари намоён бўлишини асослайди.

Ўз навбатида техник билимлар бўлажак мутахассисда қатъиятлилик, пухта режалаштириш, юзага келиши мумкин бўлган вазиятларни баҳолай олиш, вазиятга оқилона ёндашиш каби сифатларни тарбиялаш имкониятига эга. Бу кўп жиҳатдан субъектнинг ижтимоий ва ижтимоий-педагогик йўналганлиги, шунингдек, жамият ҳаётига тобора чукур сингиб бораётган техника тараққиёти билан боғлиқ.

Математика ва табиий ҳамда гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар билан бир қаторда, техник билимлар негизида ҳам педагогик билимлар кўзга ташланади.

Амалиётда фанларапо билимларнинг тизимланиши, лойиҳаланишига нисбатан технологик ёндашув етарли даражада қарор топмаяпти. Мазкур ҳолат маълум даражада муҳандислик педагогикаси методологиясига хос бўлган бир қатор муаммоларнинг ижобий ҳал этилмаганлиги билан изоҳланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган фикрлар асосида педагогик ва техник билимларни интеграциялаш асослари хусусида сўз юритамиз. Билимларни интеграциялашнинг муҳим асоси сифатида дунёнинг моддий яхлитлиги, материя ва унинг ривожланиш қонунлари, хусусиятлари тан олинган умумий омил бўлиб қолди.

Билимлардан фойдаланиш ва синтез қилиш асослари фанларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи методологик, гносеологик, онтологик ва ижтимоий асослардан иборат.

Гуманитар, ижтимоий-иктисодий ва математик-техник фанлар ўзаро боғлиқлигининг асоси, инсон онгидаги техникавий тараққиёт ҳамда жамият ўртасидаги объектив боғлиқликларнинг акс этиш жараёни ҳисобланади.

Шу билан бирга, билимларни интеграциялашда генетик асослари ҳам намоён бўлади. Ушбу ҳолат идрок этиш тизимларининг ўзаро боғлиқлиги, муносабатларнинг мавжуд тажрибаларига асосланиши билан боғлиқ. Мазкур ўринда педагогик билимларнинг шаклланиш тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқдир.

Машғулот мавзуси ва мақсадига асосан ўқув ахбороти, матн, иллюстрация, схема, жадвал, савол ва топшириқлар, восита, метод ва шаклларни танлаш

Машғулотларга қуйидаги қатор **дидактик талаблар** қўйилади:

1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги. Машғулотнинг дидактик мақсадлари:

а) таълимий (когнитив) – талабаларга назарий билимлар берилади, кўникум ва малакалар шакллантирилади;

б) в) ривожлантирувчи (психомоторик) – ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ кўникумлар: материал билан ишлаш, асбоб-ускуналарни ишлата билиш, олган билимларини амалиётда қўллаш қобилияtlари инобатга олинади;

в) тарбиявий (аффектив) - ўзини тутиш ва хулқ билан боғлиқ кўникумлар: касбга қизиқиш, масуълиятни англашган равишда фаолият кўрсатиш.

Дидактик мақсад ва вазифаларига эришишда ўқитувчи талабаларга меҳнат операцияларини ўргатишда диққат эътиборини меҳнат усусларини тўғри бажаришларига қаратилади.

2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги. Таълим тарбияловчи бўлиши керак. Баркамол авлодни тарбиялаш - болага характернинг бутун ижобий сифатлари комплексини сингдириш демакдир. Касб-хунар таълими машғулотларида меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилади.

3. Ўқув материалини тўғри танлаш. Ўқув материалини танлашда машғулотнинг мақсади, талабалар олдинги машғулотларда олган билим ва малакалар; фан асосларига оид билимлари; уларнинг жисмоний ривожланганлиги каби қатор омиллар ҳисобга олинади. Ўқув материали талабаларнинг олдинги тажрибалари ва фан асослари бўйича олган билимларига боғлиқ ҳолда танланади. Ўқув материалининг мазмуни машғулотнинг мақсадига мувофиқ танланади.

4. Ўқитишиш (таълим) методларини мақсаддага мувофиқ танлаш. Касб-хунар таълимида дидактик метод ва усуллар қанчалик муваффақиятли комбинацияланишига бевосита боғлиқ бўлади. Касб-хунар ўргатишда билимларни қўллаш методлари маълум меҳнат усулларини бажаришга доир машқлар билан комбинацияланади.

5. Талабаларнинг ҳар бир ўқувчининг мустақиллиги билан уйғунлашадиган жамоавий иши. Ҳозирги вақтда касб-хунар таълим машғулотларида талабалар ишини ташкил қилишнинг учта асосий: фронтал, звено ва индивидуал шакллари қарор топган. Ҳар бир ташкилий шаклни баҳолашга икки нуқтаи назардан ёндашилади:

- улар билимларни ўзлаштиришга, кўникма ва малакаларнинг шаклланишига қандай ёрдам бериши;
- улардан қайсиниси ҳозирги саноат корхоналари ва амалиётда меҳнатни ташкил қилиш ҳақида тўлароқ, аниқроқ тасаввур бериши аниқланадики, булар политехник таълим вазифаларини амалга ошириш учун жуда зарурдир.

Талабалар ишини ташкил қилишнинг **фронтал шакли** талабаларнинг ҳаммаси бир хил топшириқни бажаришидан иборат. Ўқитувчи групуда инструктаж хатоларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва ҳоказолардан фойдаланиб бир вақтнинг ўзида бутун груп ишига раҳбарлик кила олади. Машғулотнинг фронтал ташкил қилишнинг камчиликлардан бири шуки, ҳар қайси ўқувчи ишни бошидан охиригача ўзи бажаради.

Машғулотни ташкил қилишнинг **звено шаклида** групхни 3-4 ўқувчи звеноларга бўлиниши, бу звеноларга ҳар қайсиси ўз топширигини бажариши назарда тутилади. Бунда звено ичидаги модель тайёрлашга доир ҳамма иш талабаларга тақсимланади, яъни ҳар бир ўқувчи маълум детални тайёрлаш топширигини олади ва охирига етказади. Звено шаклида ўқитувчининг ўқув жараёнини бошқариши қийинлашади, унга ҳар хил ишларнинг бажарилишини назорат қилишга тўғри келади. Бу қийинчиликларни бартараф этишга ёзма инструкция (йўл-йўриқ)ларни қўллаш билан эришилади, бу йўл-йўриқлар ҳар бир звено учун тайёрланади ва талабалар мустақил ишлаши учун етарли кўрсатмалардан иборат бўлади.

Машғулотни ташкил қилишнинг **индивидуал (якка тартибда) шакли** ҳамма талабалар ҳар хил ишни бажаришидан иборат. Бу шакл нисбатан кам қўлланилади. Бунинг сабаби бундай шароитларда ўқув жараёнини бошқариш, шунингдек талабаларнинг ҳаммасини зарур материаллар билан таъминлаш қийин бўлади.

6. Машғулотнинг ташкилий аниқлиги. Ҳар қандай машғулот ўзининг ташкил килиниши ва ўтказлиши нуқтаи назаридан аниқ бўлиши керак. Касб-хунар таълимида ўтказиладиган машғулотларнинг муҳим хусусияти кўпинча

талабаларнинг унумли мәжнатига бағишиланишидир. Ташкилий аниқликка ўқув устахоналарни ҳамма зарур материал ва асбоблар билан узлуксиз таъминлаш билан ҳам эришилади. Машғулотнинг ташкилий аниқлиги учун ўқитувчининг ўқув жараёнига раҳбарлик қилиш ишларини режалаштириши ҳам катта аҳамиятга эга.

7. Талабалар ишида хавфсизликни таъминлаш. Машғулот ўтказиладиган хоналар хавфсиз ишлаш усуллари бўйича кўрсатмали кўлланмалар билан жиҳозланади. Ўқув устахоналарда аптечка ва ёнғинга қарши хавфсизлик бурчаги бўлади. Машғулот бошланиши олдидан ўқитувчи жиҳоз ва асбобларнинг бузуқ эмаслигини, маҳсус кийимларнинг яроқлилиги ва бошқаларни текширади. Янги материални баён қилишда мәжнат хавфсизлигига катта эътибор берилади. Ўқитувчи устахоналарда хавфсиз ишлашни таъминловчи қоидаларни тушунтиради, уларни бартараф этиш усулларини намойиш килади, шундан кейин буларни талабалар қанчалик ўзлаштирганини текширади.

Ўқитишининг дидактик воситалари таснифини билиш ва уларни машғулот мавзусига мос равишда танлай олиш

Таълим воситаларидан фойдаланишда кўргазмалилик дидактик тамоилии муҳим ўрин тутади.

Натурал (табиий) обьектлар. Табиий обьектларга сирасига жонли ва жонсиз табиат обьектлари киради, таълим олувчилар улар билан машғулотларда тарқатма ёки намойиш қилинадиган материаллар шаклида танишадилар. Кўргазмалилик - табиий обьектларни танлаб олиш ёки табиий обьектларни ўз ичига таркибий қисм қилиб киритган турли кўлланмаларни лойиҳалашга кўйиладиган асосий талаблардан бири. Шу мақсадда ўрганилаётган тушунчаларнинг мазмунини очиб бериш учун керак бўлган айрим типик белгиларни аниқ ифодалашга ёрдам берадиган обьектлар ажратиб олинади. Натурал обьектларнинг қўллёзмалигини кучайтириш учун турли кодлаш усуллари кўлланилади: рангли, ракамли, ҳарфли. Табиий обьектларни ўқитиш жараёнида улар билан ишлаш услубларидан асосийлари кузатиш ва тажриба ўтказиш ҳисобланади. Кўргазмали кўлланмалар сифатида ишлатиладиган табиий обьектлар аввало унинг жиҳоз ва мосламаларига маҳсус ишлов бериш зарур.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ВА КУРС ИШЛАРИНИНГ ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ

Семинар олди машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда

адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошланғич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Семинар олди машғулотлари семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда биринчи курсларда ўтказилади.

Семинар олди машғулотларида ўқитувчи етакчилик қиласи, чунки талабалар муайян ихтисослиқ бўйича ўқув ишларига кам эътибор берадилар, шунинг учун ҳам етарли даражада ташаббус кўрсата олмайдилар.

Семинар машғулотларида семинар олди машғулотларига нисбатан ўта муҳим вазифалар ҳал қилинади. Масалан, айрим семинарлар тематик боғланган муайян мунтазам курсни чуқур ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Бошқалари эса бирор мавзуни ёки курснинг алоҳида ва ниҳоятда муҳим ва умумий бўлган мавзуларини методологик жиҳатдан ишлаб чиқишга бағишлиган бўлади.

Махсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чуқур ўрганиш мақсадида кўлланилади.

Ўқув моделлари, муляжлар, макетлар. Моделлар табиий обьектларнинг сунъий кўриниши бўлиб, уларнинг муҳим сифатлари, алоқалари ва муносабатларини қайта тақорорлайдиган ўқув кўргазмали қўлланмалар ҳисобланади. Ҳақиқий объект (микро ва макро обьектлар) хусусиятларини кўрсатишида шартлилик (рамзийлик)ка амал қилинади, ўлчамни катталаштириш ёки кенгайтириш орқали обьект қурилмаси схема тарзида акс эттирилади. Моделларнинг энг кенг тарқалган типик турлари бу моддий (предмет) моделлардир. Моделлар ўз ҳажмига эга ёки текис моделларга бўлинади. Уларнинг оралиғида рельеф жадваллар жойлашган. Ҳажмга эга моделлар таркибий қисмларга бўлинishi мумкин. Ҳажмга эга бўлган моделлар сирасига муляж ва макетлар киради. Муляж (макет)лар моддий обьектларга айнан ўхшатиб яратилган қўлланмалардир.

Муляж ва макетлар атроф-муҳит ҳодисаларнинг ташки белги ва хусусиятларини ўрганишда кўлланилади. Моделлар ўрганилаётган обьектларнинг ички қурилмаси ва харакатланиш тамоили, машина ва механизmlарнинг кинематикасини ўрганилаётган вазиятларда бошқа алоқалар ва муносабатлар мазмунининг ҳам ўрганилишига имконият беради.

Таълим олувчиларга таълим этиладиган модел ва муляж (макетлар)лар ҳам худди табиий обьектлар сингари тарқатма қўлланмаларга бўлинади. Турли хил моделларни лойиҳалаштиришда бу турдаги ўқитиш воситаларининг функция ва дидактик имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда умумий педагогик-эргономик талабларни илгари суриш мумкин, яъни ахборотлашган, ўқув жадвалини фаолиятнинг аниқ усулларига адеквантлик

(ўрганиш, қабул қилиш, жадвал, схема, диаграмма, график ва бошқалар) аниқ бир тушунча, кўникма ва билимларни шакллантиришда қўлланиладиган текис моддий ўқитиш воситасидир. Ўкув жадвали аниқ ва кўргазмали ҳолда ўрганилаётган обьект ҳақида илмий ахборот беради. Жадваллар турли хил бўлади.

Композицион - расм ва фотосуратлар;

Графикли: (чизма, диаграмма, схема ва бошқалар);

Белгили - рамзий формула, ҳарф ва сўзлар билан ифодаланувчи. Сўнгги пайтда электрлашган жадваллар кенг қўлланилмоқда, яъни, стенdlар, хавфсизликка оид техникалар.

Ўқитиш воситалари орасида охирги пайтда энг кўп қўлланилаётган воситалар - бу жадваллардир. Жадваллар - куйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

Жадвалнинг мазмуни ўрганилаётган мавзуга оид бўлиши; жадвалда ифода этилган чизма етарли даражада катта ва узоқдан ҳам кўра олиш имконини бериши керак; жадвалдаги обьектлар табиий ҳолатларида кўрсатиши шарт; жадвалда тасвириланган чизмаларнинг қисмлари масштаб асосида берилиши керак; энг эътиборга лойиқ қисмлар алоҳида (бошқа) ранг билан ажратиб кўрсатилиши лозим.

Экран ва экран - овозли ўқитиш воситалари

Хозирги замонда жуда кенг тарқалган ўқитиш воситалариданdir. Бу ўқитиш воситаларига қўйилган талаблар энг аввало уларнинг мавзуга оид, иккинчидан, сифатли бўлишидир.

Диапозитив (слайд) - бу ҳаракатланмайдиган ўқитиш экран воситаси. Диапозитив акс этган чизма ва расмлар одатда жадвалдагидан яхши қабул қилинади.

Диапозитив бу жуда қулай ўқитиш воситаси, чунки ўқитувчи ёрдамида материалнинг қисмини, ёки бир кадрни алоҳида кўрсатиш мумкин. Ҳар бир кадр тўлиқ бир инфомацияга эга. Диафильм ҳам ҳаракатланмайдиган экран воситасидир. Бу қўлланмаларнинг услубий гояси муаллифларининг кадрлар кетма-кетлигини таъминланишига эътибор беришлариридир. Кадрларнинг кетма-кетлиги ўзгарса инфомациянинг қабул қилинишида мазмун бузилиши рўй беради. Диафильмларни қўллашдаги қийинчилик - улардаги ахборотнинг кўплиги ва уларнинг қабул қилиб олиш учун вақтнинг етмаслигидир. Бу қийинчилик машғулотда диафильмларнинг айrim фрагментларини (бўлакларини) кўрсатиши орқали енгиллаштирилади.

Ўкув биноси яқиндагина энг самарали ўқитиш воситаси деб эътироф этилганди. Унинг кўргазмаликлиги куйидаги жуда бой дидактик иммониятларидан келиб чиқади; катта ҳажмли инфомациянинг ихчамлантирилиши, фан ва техника тарихига саёҳат қилиш, жараённи

тезлатиш ёки секинлаштириш, ниҳоят, уни тўхтатиш, моделлаштириш, мослама ва аппаратларининг ички тузилишини кузатиш, янги технологиясини бошқариш билан танишириш, фан арбоблари фаолияти ҳақида маълумот бериш, илмий-текшириш лабораториясига «кириш», турли вазифаларни қўйиш, уларни ижобий ҳал этиш, ҳамда қиёслаш ўқув фильмлари ёрдамида амалга оширилади.

Янги ўқув материали устида ишлашнинг босқичлари ва мантиқий йўналишини белгилаш

Ўқитувчининг машғулотларни муваффақиятли ўтказиш учун уларга пухта тайёргарлик қўриши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи нимани, қачон ва қандай ўргатилишини жуда аниқ тасаввур қилиши керак.

Ўқув режасида ўқув фанига ажратиладиган ўқув вақтини ярим йилликлар ва ҳафталар бўйича тақсимлаш мўлжалланади. ДТС талаблари асосида тузилган ўқув дастурида ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалининг ҳажми, унинг мавзулар бўйича тақси:мланиши ва ҳар бир мавзуни ўрганиш вақти белгилаб олинади. Дастурнинг ҳар бир мавзусида талабаларга меҳнат қилишнинг қайси йўл ва усулларини, қандай технолог:ик операцияларни ўргатиш лозимлиги кўрсатилган. ДТСда олий ўқув юртини бирор ихтисос билан тамомлаган ёш мутахассис назарий билимлар олиш ва ишлаб чиқариш малакаларини қондириш юзасидан қандай талабларга жавоб бериши кераклиги кўрсатиб ўтилади.

Ўқитувчининг машғулотларга тайёргарлик қўриши ҳақида гап борганда, жуда кўп ҳолларда фақат бир ўқув куни учун зарур ҳамма нарсаларни ўйлаб олиш, режалаштириш ва таъминлашнигина назарда тутилади. Бундай деб ўйлаш – нотўғри. Бутун мавзуни ўтишга тайёргарлик кўрмасдан туриб, алоҳида машғулотга тайёрланиб бўлмайди. Бошқа бир томондан, ўқитувчининг мавзуга ёки машғулотга тайёргарлик қўриши ҳамиша ўқув дастури устида ишлаш билан мустаҳкамланган тақдирдагина муваффақиятли бўлиши мумкин.

Ўқитувчи тайёргарликни янги ўқув йили: бошланмасдан олдин бошлайди. Табиийки, тайёргарликнинг мазмуни тажрибали ва эндиғина ўқитувчилик қила бошлаган педагоглар учун турлича бўлади. Аммо ишнинг бу босқичи тажрибасидан қатъи назар ҳар бир ўқитувчи учун мажбурийдир.

Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар ёш мутахассислар олдига янги талаблар қўймоқда. ДТСтида, ўқув режа ва дастурларда ўзгаришлар юз бермоқда, таълимнинг замонавий таълим технологиялари, ахборот технологиялари пайдо бўлмоқда, янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этилмоқда. Ўқитувчи машғулотларга тайёргарлик кўраётганида буларнинг ҳаммасини ҳисобга олиши лозим.

Ўқитувчининг ўқув йилнга (ярим йилликка) тайёргарлнги

Ўқитувчи ўқув йилига (ярим йилликка) тайёрланаётганида фани бўйича ўқув режа ва дастурларини ўрганади, бошқа фанлар (умумий таълим, материалшунослик, чизмачилик, электротехника ва бошқалар) дастурлари билан танишиб чиқади.

Ўқитувчилар ўқув дастурларини ўрганаётганида уларга киритилган мавзуларнинг рўйхати ва мазмуни билан яхшилаб танишадилар. Бу уларга ҳар бир мавзуни ўрганиш мақсадини аниқ тасаввур этиш, олдин ўтилган ўқув материални навбатдаги материал билан боғлашни белгилаб олиш, машғулотлар ўтказиш учун зарур ўқув ишлари, жиҳозлар, мосламалар, асбоб-ускуналар ва материалларни аниқлаб олиш ҳамда уларни тайёрлаш имконини беради.

Олий ўқув юртларининг тажрибали ўқитувчилари бутун бир йилга мўлжаллаб умумий таълим режасини тузадилар. Бу режада қуидагилар назарда тутилади: янги-техникага доир адабиётларни, қўлланмаларни; ихтисосга оид илғор тажрибани ёритувчи ахборот ва рақаларини ўрганиш; янги дарсликлар, методик қўлланмалар билан талабаларга таълим ва тарбия бериш масалалари ёритилган методик хатлар ва бошқа материаллар билан танишиш; ишлаб чиқариш новаторларининг ишлаш методлари билан амалда танишиш; зарур ўқув-моддий база тайёрлаш; жуда мураккаб буюмларнинг намуна эталонларини ҳозирлаш; корхоналар буюртмалари ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузган намуна рўйхатлари асосида ўқув ишлари рўйхатини ишлаб чиқишида қатнашиш; операцияларга ҳамда ишларни бажаришдаги ўзгаришларга доир инструкцион-технологик хужжатлари ишлаб чиқишида (операциялар ва ўзгаришлар изчиллигини, шунингдек ҳар бир ўзгаришнинг техникавий шароитларини кўрсатган ҳолда) бевосита иштирок этиш; рўйхатда тайёрлаш учун кўзда тутилган ишларни касбий таълим бўйича директор ўринбосари ва мухандис педагог раҳбарлари ҳамда катта ўқитувчи билан ҳамкорликда нормалаш (шогирдлик нормалари).

ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Фан, 2007. 143 б.
2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1995. – 336 с.
3. Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. – М.: Педагогика. 1998. – 160 с.
4. Гребенюк О.С., Гребенюк Т.Б. Теория обучения. Москва “ВЛАДОС пресс” 2003.

- 5.** Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 29 б.
- 6.** Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. - Т.: Ўқитувчи, 2004. - 102 б.
- 7.** Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. - Т.: 1999.
- 8.** Клинов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.
- 9.** Клинов Е. А. Психология профессионала. – М.: Педагогика, 1996. - 400 с.
- 10.** Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. - 103 с.
- 11.** Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э.А. Таълим сифатини бошқариш. Т.: Турон-Иқбол, 2006. 592 б.
- 12.** Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. - 128 б.
- 13.** Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
- 14.** Немов Р.С. Психологическое консультирование. – М., 2001
- 15.** Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. - 79 б.
- 16.** Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000.- 79 б.
- 17.** Педагогика /А.К.Мунавваровнинг умум. таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 200 б.
- 18.** Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Тошкент: Молия, 2003 – 172 б.
- 19.** Толипов Ў.Қ, Баракаев М, Шарипов Ш.С. Касбий педагогика. - Т., 2001. 75 б.
- 17.** Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005. - 206 б.
- 18.** Турсунов И.Й., Нишоналиев У.Н. Педагогика курси. -Т.: Ўқитувчи, 1997. - 232 б.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. "Онг фаолиятда пайдо бўлади ва фаолиятида шаклланади" мазкур фикр муаллифи қайси қаторда ко'рсатилган?
 - A. С.Л.Рубинштейн
 - B. Л.С.Виготский
 - C. В.М.Теплов
 - D. П.П.Блонский
2. "Шахс бу ташки таъсирлар йўналишини ўзлаштирувчи ички шарт шароитлар йигиндиси бўлади" деган фикрни қайси олим курсатган?
 - A. Рубинштейн
 - B. Петровский
 - C. Е.Ельконин
 - D. Рубинштейн,Петровский
3. "Ўсмирлик даври психологияси" асарининг автори ким?
 - A. Е.Шпрангер
 - B. К.Мюллер
 - C. Ж.Пиаже
 - D. К.Кречмер
4. «Эсда сақлашдан маҳрум бўлган одам ҳамма вақт янги туғилган шақалоқнинг аҳволида булар екан» - деган бу сузлар ким тарафидан айтилган
 - A. И.Сеченов
 - B. И.Павлов
 - C. Ж.Пиаже
 - D. К.Д.Ушинский
5. «Фрейдизм» ёки психоанализ илмий юналиши, бу -
 - A. онгсизлик
 - B. онг
 - C. ирсийлик
 - D. хулк атвор
6. «Гештальт» психология» илмий юналиши, бу -
 - A. образ
 - B. хулк атвор
 - C. онгсизлик
 - D. Ырсийлик
7. «Жон ҳақидаги» трактатни ким ва қачон ёзган?
 - A. Аристотел` – б.е.ш. 4-3 асир
 - B. Платон б.е.ш. 4-3 асир
 - C. Ибн Сина - 9 асир
 - D. Аверроис -12 асир
8. «Характер» сўзи қайси тилдан келиб шиққан ва у қандай манони англатади?
 - A. грек тилидан «хосса, белги» дегани
 - B. грек тилидан, «юл, усул» дегани
 - C. лотин тилидан, «тарбия дегани»
 - D. рус тилидан, «хулк атвор» дегани
9.– кишининг шу пайтда ма’қул ёки зарур деб топган иш ҳаракатини тассавур демакдир
 - A. мақсад
 - B. рефлекс
 - C. инстинкт
 - D. кўникма

10.галдаги битта оддий вазифани бажаришга қаратилган нисбатан тугалланган фаолиятнинг таркибий қисми.

- A. ҳаракат
- B. Одат
- C. Мотив
- D. саъи –ҳаракат

11. психика тараққиёт маҳсули ва фаолият натижаси деб қаралса уни то'г'ри тушуниш мумкин.

- A. онгни фаолиятда ривожланиши
- B. Детерминизм
- C. онг ва фаолият бирлиги
- D. психика

12. бу шундай психик жараёнлар ҳолатлар йиг'индики, унда инсон о'з хатти-раракатларига жавоб бермайди, англамайди?

- A. онгсизлик
- B. туш кўриш
- C. алаҳлаш
- D. Галлюцинация

13.психиканинг енг юксак даражаси бўлиб у, факат инсонгагина хосдир.

- A. онг
- B. психика
- C. онгсизлик
- D. амалий тафаккур

14. 1873 йили нашр етилган “Ким ва канака килиб психологияни ишлаб чикади” номли рисоланинг автори ким?

- A. И.М.Сеченов
- B. И.Павлов
- C. В.М.Бехтерев
- D. И.Лонге

15. Адаптация деган нима?

- A. берилган тасирларга сезги азоларининг мослашиши куниши
- B. Сезгиликнинг бир тури
- C. Сезгиларимизнинг кучайиши
- D. Сезгиликнинг ҳаддат ташқари кучайиши

16. АҚШда кенг таркалган социогенетик назарияларнинг бири кайси?

- A. мустакил узлаштириш назарияси
- B. Харакатни узлаштириш
- C. психоанализ назарияси
- D. инсоннинг тана тузилишига асосланган назария

17. Анализатор, бу

- A. сезгининг пайдо булишида керак булган анатомик анатомийик - физиологик тизим
B. Сезги азолари
C. афферент нерв, рецептор
D. бош мийдаги маҳсус марказ

18. Аниқ фаолият турларига қўра психология соҳалари қайси қаторда кўрсатилган?

- A. муҳандислик, меҳнат, педагогик психология, авиасия
B. ёш психологияси, маҳсус психология, олигофренопсихология
C. меҳнат психологияси, тиббиёт психологияси, маҳсус психология
D. спорт психологияси, савдо психологияси, ҳарбий психология, инстинктив психология

19. Апперцепция - бу ...

- A. идрокнинг шахс ва унинг тажрибасига боғлиқлиги
B. ўсмиликнинг ўтиш даври кризиси
C. вақтни, қаракатни идрок қилиш
D. Шахснинг адаптацион даври

20. Ассоциатив психология оқими качон пайдо булган?

- A. 18 асрда
B. 16 асрда
C. 17 асрда
D. 15 асрда

21. Астеник эмоция-

- A. шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар
B. Унчалик кучли бо'лмаган лекин жуда узоқ вақт давом етадиган ҳиссий ҳолат
C. Ҳис-туйг'уни юзага келтирувчи сабаб
D. ахлоқий, иродавий, ўз-ўзига бўлган муносабатларга эмоционал

22. Атроф-муҳитдаги дунёни нотугри, хато идрок етиш – бу

- A. иллюзия
B. Аглюцинация
C. адаптация
D. Апперцепция

23. Атроф-муҳитдаги дунёни тугридан тугри емас ва умумийлашган турда билиб олиш – бу

- A. тафаккур
B. ҳаёл
C. Есда сақлаш
D. Сезги

24. Биогенетик концепция асосчилари кимлар?

- A. Ф.Мюллер, Е.Геккел .
B. Мюллер Е.Кречмер, К.Левин
C. Штерн,
D. Е.Геккел, .Штерн

25. Биогенетик назария конуни нима деб аталади?

- A. Рекопуляция конуни
B. Кречмер конуни
C. Роллар назарияси
D. Ынтеллект назарияси

26. Биогенетик назариянинг асосий максади нима?

- A. Биологик томондан етилиш ва хар томонлама ривожланиши
B. Наслий роли ва ижтимоий омил

- C. Уй хаелнинг ривожланиши
- D. Шахсни биологик томондан тадқик килиш

27. Биринчи психологик лаборатория каерда пайдо булган?

- A. Германия
- B. Франция
- C. Англия
- D. Россия

28. Биринчи психологик экспериментал лабораториялар қайерда ва ким тарафдан очилган?

- A. В.Вундт-Германия
- B. З.Фрейд -Австрия
- C. И.Павлов-Россия
- D. Жан Пиаже-Швейцария

29. Бихевиоризм канака маънони англатади?

- A. хулк-автор
- B. онгсизлик
- C. образ
- D. Онг

30. Бизнинг сезги аъзоларимизга та’сир етган нарсаларнинг бир бутин образининг мияда тасаввурланиши – бу қайси психик жараён булади?

- A. идроқ қилиш
- B. сезги
- C. диққат
- D. Ҳаёл

31. Болалик психологиясининг асосини кайси олимлар юналтирган?

- A. Запорожец, Эльконин
- B. Б.Анаев, Рубенштейн
- C. Леонтьев, Смирнов
- D. Э.Соколов